II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 3 276,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 102,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 92,0 фоизни ташкил этди (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 101,2 фоиз). Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 5,5 фоизни (ўсиш суръати 114,1 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 1,5 фоизни (ўсиш суръати 108,8 фоиз),тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 1,0 фоизни (ўсиш суръати 124,1 фоиз), ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрга нисбатан фоизда*
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	**3 276,6**	**102,1**
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**34,0**	**124,1**
улардан:		
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	34,0	124,1
Қайта ишлаш саноати	**3 013,9**	**101,2**
ундан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	656,8	83,8
ичимликлар ишлаб чиқариш	0,3	128,7
тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	908,3	96,9
кийим ишлаб чиқариш	223,6	108,8
тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш	64,8	26,0
ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	18,9	1231,6
қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	20,5	155,4
ёзилган материалларни нашр этиш ва акс эттириш	2,7	437,6
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	-	-
кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,9	79,2
фармацевтика маҳсулотлари ва припаратларини ишлаб чиқариш	0,2	24,2

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-декабрга нисбатан фоизда*
резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	176,6	123,1
бошқа нометал менирал маҳсулотлари ишлаб чиқариш	333,2	219,3
металлургия саноати	113,1	146,3
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	22,6	152,3
электр ускуналарни ишлаб чиқариш	288,0	94,9
компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	51,5	140,7
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва усукналар ишлаб чиқариш	4,9	68,0
Мебель ишлаб чиқариш	77,8	148,9
бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	20,0	180,5
машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	23,1	819,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	1,1	54,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**179,7**	**114,1**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**49,0**	**108,8**

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида энг юқори улушини ишлаб чиқарадиган саноат корхонлари (92,0 %) хиссасига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойлари ишлаб чиқарадиган саноат корхонлари томонидан 3 276,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга ўсган. Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш 8,2 м., бошқа нометал, минерал маҳсулотлари 2,2 м., компьютерлар, электр ва оптик маҳсулотлар 1,4 м. ошганлигини кўришимиз мумкин.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхонларида таркиби
(фоиз ҳисобида)



Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Жиззах вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Жиззах шахри (Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 54,6 % улушини), Дўстлик (11,3 %), Зомин (5,0 %), Шароф Рашидов (5,0 %), Фориш (3,8 %), Пахтакор (4,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	*2018йил январь декабрь*	*2017йил январь декабрга нисбатан%*
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Кайта ишланган уруғи бўғдой (қаттиқдан ташқари)	т	6 405,7	52,8
Донга ишлов бериш хизмати	минг сўм	359 6280,0	106,5
Пахта хом-ашёни қайта ишлаш	т	144 293,0	84,1
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси	т	49 732,0	91,8
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 1 навли	т	31 251,0	84,9
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 2 навли	т	9 784,0	125,1
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 3 навли	т	3 347,0	212,6
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 4 навли	т	3 417,0	290,6
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 5 навли	т	1 933,0	28,4
Пахта чигити	т	75 135,0	85,9
Момик	т	4 298,0	105,6
Бошка техник чигит-т	т	69 637,0	84,5
Тозаланган пахта ёғи	т	12 796,0	101,9
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	т	53 672,0	92,8
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	т	950,0	160,5
Таркибида ёғ ёки хайвон ёки ўсимлик муми бўлган моддаларни қайта ишлашнинг бошқа қолдиқлари ва чиқиндилари	т	462,0	66,8
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	т	57 248,2	106,5

	Ўлчов бирлиги	*2018йил январь декабрь*	*2017йил январь декабрга нисбатан%*
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	т	251,0	14,6
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	т	60,0	80,0
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	т	39 308,2	105,9
Тўқимачилик иплари ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини (ёки алоҳида операцияларини) бажариш бўйича субпудратчилар хизматлари	минг сўм	339 243,0	56,6
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	т	1 688,0	57,7
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	т	8 427,0	104,2
Эркаклар ёки ўғил болалар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блейзерлар, шимлар, кўкракпечли ва елка тасмали комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш учун мўлжалланганидан ташқари)	т	402,0	74,3
Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж футболкалар, майкалар ва бошқа ичдан кийиладиган фуфайкалар	т	1 608,0	123,9
Аёллар ёки қизлар учун трикотаж ичкўйлак, ички юбкалар, трусиклар, панталонлар, тунги кўйлаклар, пижамалар, пеньюарлар, халатлар ва шу кабилар	т	865,0	-
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари)	т	383,0	83,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган юзаки актив воситалар, ювиш ва тозалаш воситалари	т	805,0	140,0

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 98,4 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 67,5 фоиздан 52,5 фоизга камайган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)



Шу билан бирга ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан пасайиш қуйидаги туман ва шаҳарларда кузатилмоқда. Хусусан, Зомин туманида 88,7 фоизга, Зафаробод туманида 86,8 фоизга, Мирзачўл туманида 81,5 фоизга пасайиш кузатилган.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига худудларнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмида энг юқори улуши Жиззах шахри 58,1 %, Дўстлик 9,8 %, Зомин 4,6 % ва Шароф Рашидов туманлари 4,1 % га тўғри келади.

Худудларнинг истеъмол товарларидаги улуши

(фоиз ҳисобида)



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 129,0 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 2 603,9 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 151 та янги иш ўринлари яратилди.



2018-йил январь-декабрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат махсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда



Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати, фоизда



Йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 2 266 та фаолият юритаётган саноат корхонлари бўлиб, шундан 2 247 таси кичик бизнес саноат корхоналари хиссасига тўғри келади. Жумладан: Жиззах шаҳрда 822 та, Шароф Рашидовда 492 та, Ғаллаоролда 199 та, Зоминда 171 та, Форишда 102 та, Зарбдорда 87 та, Пахтакорда 74 та, Бахмалда 73 та, Дўстликда 69 та, Мирзачўлда 56 та, Зафарободда 49 та, Арнасойда 39 та, Янгиободда 33 та корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари